

Хар кунинг Наврўз бўлсин!



Mustaqil gazeta

HURRIYAT



HAFTANING CHORSHANBA KUNI CHIQUADI

1996 yil dekabrden chop etila boshlagan

Айём

ОНАДАЙ МЕХРЛИ

Баҳор табиатнинг эмизикли онадай меҳру шафқатга, фазилатга, муҳаббатга тўлиқ мўъжиза яратадиган фаслидир. Бу фаслнинг гултожи, энг фараҳли кунлари Наврўз билан, баҳорий тенгқунлик билан боғлиқдир. Шарқнинг улуг алломалари баҳорнинг келишини ҳаётнинг қайтадан уйғонишига қиёс қиладилар. Баҳор фасли бу фасллар ичида энг гўзал, энг нозик фасл бўлиб, уни оламнинг кўрки, табиатнинг жамоли деса бўлади. Шарқ табобати султони бобомиз Абу Али ибн Сино, баҳор — инсон умрининг шифобахш фасли деб бежиз айтмаган. Соғлигингизни наҳор ва баҳорда дилингишни шодликка тўлишидан билинг, деган эди аллома Г.Торо. Донишмандлар: "Кўкдамда илик узилади, ер одамнинг қувватини олади", дейишади. Дарҳақиқат, баҳорда киши саломатлиги синовдан ўтади. Ким саломату ким дардманлиги шунда билинади. Инсон организми ниҳоятда мураккаб тузилган бўлиб, унинг саломатлиги ва иш фаолиятининг нормал ҳолатда бўлиши жуда кўп сабабларга боғлиқдир.

Биологик маром туфайли инсон организми хар қандай шароит (иссиққа, совуққа, қоронгуликка, ёруққа, очликка ва бошқалар)га мослашишга ҳаракат қилади. Олимларнинг таъкидлашича, қишдан чиқиб, баҳор об-ҳавосига тўла мослашиш хар бир кишида, унинг хар бир аъзосида бир текис бўлмайди. Баҳор баъзан бир кеча-кундузда йилнинг тўрт фаслини эслатади.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент



НАВРЎЗОЙГА ТАЪЗИМ!

*Дўстларим кўп, кўнгили излайман,
Достонлар кўп, сўздан бўзлайман.
Дарёлар кўп, булоқ кўзлайман...
Мен Наврўзим сеҳрин сўзлайман.*

*Оқтов дейман баралла қониб,
Қоратовга қолдим суяниб...
Чўнг қояда толган ўйларим,
Йўқолмасин, — дейман бўйларим...*

*Шодликлар кўп, хар куним байрам,
Наврўзим — бу, мен севган айём.
Бойчечамиз, сансан биринчи,
Ассалом, эй баҳор севинчи!*

*Мана бугун "ўрик гулади",
Баҳорига салом йўллади.
Ҳамидимнинг тиниқ сўзлари,
Наврўзимда унинг кўзлари...*

*"Олиб келди гулнинг тотини"
Ёнидадир Барчин хотини.
Сева олган Ўзбекистонни —
Мустақиллик жони ва тани...*

*Наврўзни ким севмаган азал,
Алишернинг тилида ғазал.
Эркин Воҳид, Абдулла Ориф,
Куйламоқда юракдан ёниб...*

*Самарқанда шоирлар йўқми?
Тижоратдан кўнгилар тўқми?
Шоир бўлсанг айтақол ўзни,
Наврўзим ҳам соғинди бизни...*

*Наврўзидан истакларим мўл,
Она халқим тилайман оқ йўл.
Содиқ фарзанд пеймонанг ўнай,
Ўзбекларим, жаҳонда кўнай...*

Жумакул КАРИМ

Самарқанд

Намоиш

НАВРЎЗНИ ДУНЁ ТОМОША ҚИЛАДИ!

Мана бир неча йилдирки, юртимиздаги энг азиз байрамлар — Мустақиллик ва Наврўзга бағишлаб пойтахтимизда ўтказилаётган тантаналар дунёнинг кўплаб мамлакатларига бевосита олиб кўрсатилмоқда. Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилаётган Наврўз байрами тантаналарини чет элларга бевосита олиб кўрсатишни амалга ошириш мақсадида қардош ўлканинг давлат телевидениеси ҳисобланган TRT (Туркия радио ва телевидениеси) ходимлари кунги кеча Тошкентга келишди. Гуруҳ раҳбари, TRTнинг чет элларга кўрсатувлар тайёрлаш бўлими мудирининг ўринбосари жаноб Ёмғир ТУНАЛИ:

— Тошкентга тўрт киши келдик. Улардан икки нафари техник ходим бўлиб, сунъий йўлдош билан боғланиш ишларини амалга оширади. Мен эса ўзбек ҳамкасбим билан тантаналарни студиядан туриб шарҳлайман.

Тантаналар Туркиянинг бир йўла 3 та телеканали — TRT-1, TRT-INT ва TRT-Turk (собиқ TRT-Оварсиё) орқали бевосита жонли олиб кўрсатилади. Тасвирларни TurkSat сунъий йўлдошдан оладиган бир қанча хорижий сунъий йўлдошлар тантаналарни дунёнинг деярли 80 фоз аҳолисини қамраб оладиган минтақаларга узатади. TRT-INT телеканали кўрсатувларини АКШ аҳолиси ҳам томоша қилиши имконига эга бўлган.

Бахтиёр ШОҲИЗАРОВ

Муҳаббат

МУҲАББАТ ИЗҲОРИ

Салом, "Хуррият"! Қалайсан, ишларинг яхшимми? "Ўтиш даври" деб аталувчи замонда аҳолининг тузукими? Шу десанг, "Хуррият", сени бир ўқидиму, ҳайлим ёввойи каптардек учди-кетди. Ўз саҳифаларингга берайтган мақолаларинг фикри зикрини ўғирлаб, ўзига ром этди. Кунларим чоршанбани кутми билан ўта бошлади. Чунки ўзингга маълум, чоршанба кунги сену мен яна "танҳо" учрашамиз. Лекин кургур "Со-

юзпечать"лардан сени ахтариб топиш борган сари қийинлашмоқда. Ҳа энди, на илож! Каминага келсак, ўзим Фаргона давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига тахсил оламан. Шундан бўлса керак, қонунчилик ва қонунийлик тўғрисидаги мақолаларни севиб ўқийман. Уларда кўтарилган масалалар бўлгуси ҳуқуқшунос сифатида мени бефарқ қолдирмайди.

Оббек ЖўРАЕВ

Тантана

ОФАРИН СИЗГА, ИЖОДКОРЛАР!



Ўтган ҳафтанинг чоршанба кунги йўли оғиб Тошкентга келганлар кў-ўп таассуротлар билан қайтишди. Бугун пойтахт аҳли юзига ёйилган табассум бир неча кун тарқамасди, деганларни ҳам бўлмайди.



Н.МУҲАММАДЖОНОВ фотолари

дунёга келиб бунчалик одам кўрмаган "Халқлар дўстлиги" саройи хизматчилари эса шояиб қилишди!

Ана шундай факулдада бир кун "Офарин" мукофоти ўз соҳибларига қўшқўлаб топширилди: Адабиёт, санъат, фан-маданият соҳаларининг илғорлари, саралари тақдирланди. Оксокол адбимиз Иброҳим Раҳим матбуотда ёшларга кўрсатган ибрати учун "Офарин" олган бўлса, йилнинг энг яхши ёзувчи шокири мукофоти ҳам бегона-

га кетмади, улар ўзимизнинг матбуотнинг фаол иштирокчилари — ярим журналистлар. Йилнинг энг яхши драматурги Одил Ёқубов деб эълон қилинганида мухташам сарой кийкиридан ларзага келди. Оксокол адбимизнинг кўп йиллик самарали ижоди муносиб баҳоланди. Умуман олганда, тақдимот шунча шов-шув, ғала-ғовур, шовқин-сурон билан ўтди... Бу — яхшиликдан аломат.

Маросимдан кейинги шивир-шивирларга қўлоқ тутар эканмиз, тақдимот ҳақиқатан эсда қоларли ўтибди. Артистларнинг чиқиши, таникли инсонларнинг саҳнада кўришини ҳаммани қувонтирибди. Бундан бўлак нима керак?!

КИМДИР АЙТМАЙ КЕТГАН СЎЗ



Элнинг ардоқли ва ориф шоири Абдулла Ориф бугун 60 ёшга тўлди!

Муносабат

ФАРҚИ — НОМИДА

Шу кунларда нодавлат муштарак радиоканаллар ҳам анчаин кўпайиб қолди. "Водий садоси", "Гранд", "Сезам", "Ўзбекистон таронаси", "Хамроҳ"... Яқинда яна бир хусусий радиоканал очилди. Лекин унинг номини аниқлаш тушунолмади: "Ария Доно", "Орият Доноева"ми? Йўқ, охири билиб олдим: "Орият Доно" экан. Қаранг, радио мухлислари ўзларининг масалаларини мана шундай бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган, мантқиқий жиҳатдан юксак савиядаги сузлар орқали бера олинган (Ҳа, энди улар ҳам оригиналликка интилишган-да!).

Утган кунги бир доғламиз: "Болалар, мана, бир қанча хусусий радиоканаллар фаолият кўрсатяпти. Уларни бир-бириндан фарқловчи асосий хусусияти нима?" — деб сўраб қолдилар. Биров ундай деди, биров бундай. Охири доғламаиз ўзларни: "Сизлар ҳам тўғри фикрларини айтдинглар. Бироқ уларнинг бир-бириндан асосий фарқи — номида", — деб жа-

воб бердилар. Шунда кўпчиликнинг кўзи "эрк" этиб очилиб кетгандай бўлди, ё менга шундай туюлмади?

Худди шу мавзу бўйича "Хуррият"нинг ўтган сонларидан биринда Озодбек Дибирнинг "FM эшиттиришларини тинглаб" мақоласи чиққан экан. Мақолада муаллиф айрим ўзбек тилидаги дастурларни олиб борувчилар тилимизни "ийллатворайтганлик"лари, бўлар-бўлмагасга чет тили сўзларини ишлатаётганликлари, эфирга кўп ҳолларда хорижий қўшиқларни узатиб, ўзбек қўшиқларига кам аҳамият бераётганликларини айтибди. Менимча, О.Дибир хаддан ошириб юборибди. Биринчидан, мазкур радиоканаллардаги оддий янгиликлар дастурини ўқиш учун ҳам ўзбек, рус, инглиз тилларини мукамал билиш асосий шарт қилиб қўйилган. Демак, бир неча тилларни "сув қилиб ичиб юборган" бошловчилар нутқида камчилик бўлиши мумкин эмас. Иккинчидан, айна вақтда ёшлар турли хорижий тил-

ларни она тилимиздан ҳам яқшироқ ўргаништиради. Русча, инглизча сўзлар нутқларини "чиройли" қилиш учун битта-иккита ишлатаслар, нима, шунга ҳам ота-бурни қозихонами? Учинчидан, ҳозир ёшларимиз хорижий қўшиқларга жуда қизиқадилар. Ахир бу замонавийлик, маданият белгиси-да! Бундан ташқари, ҳозирги ёшлар шу даражада маънавиятли, билимдонки, уларнинг дунёқараши, юриш-туриши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ёшлар миллий қўшиқлар қилиб, хориж қўшиқларини хоҳлабдими, уларнинг мазкур "замонавий" талабларига қарши чиқиш ривожланишига қарши бориш билан баробар! Ҳа, худди шундай.

Энди А.Усмонов "Кимда кимнинг кўнгли бор..." деб қуйлагандек, "Кимда қайси радиого қизиқиб бор, қўяверинг тингласин" дейишдан ўзга чора йўқ, шекилли. Ана ким билади дейсиз...

Собиржан ЁҚУБОВ, ЎЗМУ журналистика факультети таълим

Хабар

СИР БЎЙИГА "ТАБАССУМ" ҚЎНДИ

Сирдарё вилояти Сирдарё туманида Наврўз айёми аллақачон бошланиб кетди. У ерда бўлиб ўтган байрамда табрик сўзини айтиш учун "Табассум" радиожурнали ижодий жамоаси келди. Ўзбекистон халқ артисти Сурыат Пулатов, Марям Ихтиёрова, Файзулла Аҳмедов, Абдуҳалиқ Мамарасулов ижросидаги шўх, ҳажвий хандалари халқни хушнуд этди. Ҳажвичи-ёзувчи Ориф Фармон, "Табассум" радиожурнали бош муҳаррири Баҳриддин Маҳмадалиев ҳамда Сирдарё вилояти Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамағамаси раиси Жўра

Умарқул йиғилганларга қалб сўзларини изҳор этишди.

Сир бўйида "Табассум" кўнди, Ғам-ғуссалар батамом сўнди. Куй тартиб карнай-сурнайдан, Гул очилиб Наврўзим келди.

Ажойиб санъаткорларимиз Равшан Комилов, Равшан Мансуровнинг янграган қўшиқлари байрамга янада файз киритди.

Байрам сайли қардош Қозоғистондан, қўшни вилоят ва туманлардан ташриф буюрган меҳмонларга ҳам манзур бўлди.

Хурида АБДУҚАЮМОВА

Талқин

Қалб кўриқчиси

Яйраб-яйраб қулмаса, тўйиб-тўйиб йилгиласам, завқ-шавақ тўйиб кетганим...

Ана шундай ўта ҳисси лажзаларда дилда сўз қайнаб, уни қозғога тўкмаса, шoir шoirми?

Хўп, бу-ку бир кишининг завқ-шавқи, оразу-уйи, ният-мақсади, эҳтирос-изтироби ҳақида экан.

Чуқки, ахир, бу шеърни тeранoрoқ мушоҳада қилсак, айнан йилгитинг кизга муҳаббатидан кўра каттарoқ, анкирoғи, ижтимоийроқ маъно-мазмун борлигини аниқлайми.

Узи асли аср-асрлик мумтоз адабиётимизда ишқ орқали бутун бир ҳаёт фалсафасини, инсоннинг яшашдан мақсадидо бутун борлигини ўз яратувчисига инонтирибди, ҳатто, мажнунона талпинишни каламга олиш бор ва бир тизим даражасига кўтарилган эди.

Авалло, шеър лирик қаҳрамоннинг бир тонгда — руҳида бир маъносик оқинлик уйғотгандаги қайфияти тасвири билан бошланади.

Ижтимоий мавзу қандай ўрин тутайди? Абдулла Орипов бу жиҳатдан устози Фафур Фуломга ўхшайди.


Халқ — бош тимсол

Бу икки шoir ижодида шеърят халқ бўлиб сўзлайди.

Ўзбекистон, Ватаним маним.

"Мақтамасман мазийни бирoқ" мисрасидаги "мақтамасман" сўзини "мақтаман" деб тушунасиз.

ЎЙИМДИР КЕТГАН АЙТМАЙ



Қасиданинг: Колумба бор алашим маним.

Қасиданинг: Колумба бор алашим маним, - мисрасини авваллари фақат океаннинг нари ёғида ҳам бир қитъа борлигини Беруний тўлқининг қайтишига қараб, Колумбдан бир неча аср олдин баъзорат қилганига ишора деб тушунар эдим.

Қаҳрамонларини тилга олиш, уларга у ё бу тарзда ишора қилиб ўтиш санъатида айтади.

Очиғи, халқнинг дардини ўзиники каби ҳис этиш ижодкор деганининг ҳаммасига ҳам насиб қилавермас экан.

Мана, Амир Темуր ҳақидаги банд: Кечмишин бор, чиндан ҳам, узoқ, Илғай олмас барчасин кўзим.

Шеърнинг "бобожон"и ким? Деққон юрт! Она халқ! У - "умри маҳзан". Яъни унинг ҳаёти хазина.

Шеърнинг "бобожон"и ким? Деққон юрт! Она халқ! У - "умри маҳзан". Яъни унинг ҳаёти хазина.

ичидан норози эканини англаб олиш қийин эмас. Шунинг учун унинг бутун умиди келажакдан:

1. Балки оро топиб башар сайқали, Туғилар эр олий инсон, муқаммал 2. Лекин сен бўласан Бокира мутлоқ, Лекин сен яшарсан Фаришта мисол.

Бирoқ бу халқнинг оломонлик даражасидан кўтарилмагани шoirни безовта қилади ва у бошқа бир шеърда: Қачон халқ бўласан эй, сен - оломон?! - дея бoғ уради.

Бу шуро замонда айтилган. Истиклол туғайли биз бутун халқ бўлишнинг энг қулай имконини қўлга киритдик.

Доймо "халқим" деб кўкрагига уриб юрганлардан баъзиларининг ҳам: "Бир қўли кўксига, бир қўли бирoқ, "Тозалаб" туради халқнинг ҳамёни.

Яқинда Ёзувчилар бoғидаги бир йилгида Абдулла ака: "Баъзан халқ бир киши тимсолида ҳам намоён бўлиши мумкин", - дедилар.

Ишонни қилиб айтганда буён у ақл тантанаси учун курашлар майдонига айланган.

Шеърнинг битмас армони - инсонни қилиб, яъни муқаммал қилиш. Бу "Генетика" шеърда кўчи ифодаланган.

Ишон қилиб айтганда буён у ақл тантанаси учун курашлар майдонига айланган.

Ишон қилиб айтганда буён у ақл тантанаси учун курашлар майдонига айланган.

кейин йўқолар эди. Чунки, эҳтимол, жон адабиётинида халқ ҳеч ким бу жирканч иллатни улўғ бoбoқaлoнимизчилик тасвирлаб бермагандир.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлига зам, Нур эл кўзидан англаса, ўз кўзида кам.

"Инсон манзараси" Ҳасад худбинликдан келиб чиқади ва кишини дилозорликка ундайверади: Худбин ва дилозор кимсанинг, ахир, Оғзи қон йирткичдан қандай фарқи бoрo?!

Учинчи одамнинг ҳам ҳасаддан холи бўлишига ҳеч бир қафoлат йўқ. Шунинг учун шoir унга илтижолар қилади: Кўларин кўксимда, бетинча, бeтoқaт, Тазйимлар қилурман сенга ушбу дам.

Мана бу мисралар ҳам ҳасадчиға айтган: Мен ўзга манзилга тикканман кўзим, У сенинг қулбангдан жуда ҳам йироқ.

Шоирга бир умр қарвоннинг итлар орасидан ўтиши қаттиқ алам қилади: Лекин алам қилар, Бир умр гирён Итлар орасидан Ўтса қарвонинг.

Бошқа барча ҳайвонлар ўз қавмига сира қирон келтирмас экан. Халқ топиб айтади: қара қарганинг кўзини чўқимайди! Лекин, афсус: Оҳ, фақат одамзод - фарзанди башар Бир-бирини маҳв этиш қасдида яшар.

Елғиз бир жумбоққа ақлим етмади: Қайдан туғилди, билмадим, ҳасад. ("Идрoқим бoрчиҳа яялoим фақат...").

Ўзи оддийгина, Кам йўқ ишида. Тонналаб кўмир бoр Лекин ичида. ("Ҳасадўйи ҳақида")

Ҳатто, "Ҳаким ва ажал" достони ҳам айнан ҳасад ҳақида: Муқодо не - англагани ҳаким бeғумoн, Екар эди Мирзони рашиқ, ҳасад кўру қар.

Билмадим, Шекспирнинг Яғосидан кейин инглизларда ҳасад қанчалар йўқолган, лекин Навоий тасвирдаги ҳасаддан ўз кўзини ҳам уйган одамдан буёғига бизда у қамгагин қўриқмайди.

Шоирлар ижодини турли мезонлар билан баҳолаш бор. Гап - масалага қайси жиҳатдан ёндашишда.

Қорақалпоғистон

Эллиққалъа:

НАВРЎНИ ҚАРШИЛАБ!..



Хар тонг янги гоё, янги режа билан уйғониб, эзуғу ниятларни амалга оширишга интиладиган раҳбаргина халқнинг қўлидан чўқур жой олиши, унга манзур иш қилиши мумкин.

Эллиққалъа тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Нўзметулло Худойбергенов ҳам янгиликка ўн, ҳамisha бирон-бир тадбирни уйлаб топиб, Утағачликка интилоб юрадиган раҳбарлардан.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ

Баҳс

ИНСОН БАРИБИР "НИМА"

"Хуррият" 2001 йил, 9-сон. Саттор Облоқулов, "Инсон "нима" эмас"

Файласуф олим Саттор Облоқулов "Инсон эънинг!" деб номланган мақоламга муносабат билдирибдилар.

Фафур Фуломга ўхшайди. "Мақтамасман мазийни бирoқ" мисрасидаги "мақтамасман" сўзини "мақтаман" деб тушунасиз.

Фафур Фуломга ўхшайди. "Мақтамасман мазийни бирoқ" мисрасидаги "мақтамасман" сўзини "мақтаман" деб тушунасиз.

ушун Кўрoғни қаримдан мисол келтирадилар. Ушбу китобни шарҳлашга, тан олиш лoзим, oғжoмoн. Лекин уни талқин қилувчиларнинг ҳам барчаси инсонлар-ку. Улар ҳам бошқалар каби олам ўзлари учун яратилганига ишонинг мўйлақ бўладилар.

Учинчи эътироз: онгнинг тулқини, дера мавжуд бўлмастлиги.

Жавоб: Ушбу эътироз ҳам, худди тулқинда онг мавжуд бўлиши мумкинлиги хусусидаги таҳмин каби ибoтланмаган.

Ҳашар

ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ

Ёҳуд мазмуни ўтган "Уик энд"

17 март куни "ЭКОСАҲ" халқаро жағмарасининг ташаббуси билан "Наврўз, экология ва саломатлик" шoirи остида республика миқёсда экологик ҳашар ўтказилди.

Ана шу куни "ЭКОСАҲ" жағмараси хорж давлатларининг элчилари, элчиҳона ходимлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан биргаликда Тошкент вилоятининг Паркент туманига махсус халқаро миссия уюштирд.

Шундан сўнг "ЭКОСАҲ" халқаро жағмараси президенти Ю.Шодиметов тумандаги иккита болалар боғчасига қимматбаҳо рангли телевизор ҳамда туман соғлиқни сақлаш бўлимига умумий қиймати 500 миғ сумини ташкил этадиган "Поли-септ" дезинфекциялаш воситаси ҳамда қилди.

Шундан сўнг халқаро миссия "Шарoб" АЖ иш фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда экологик жиҳатдан тоза бўлган махсуслотлар ишлаб қилишига қандай эришилгани, меҳнатга муносабат, технология линиялар ва самарадорлик хусусидаги мулоҳазалар баҳс мавзуси бўлди.

Норали ОЧИЛОВ

GLOBALUS

international life

Толибоннинг даввоси шундан иборат: бу Будда ҳайкаллари сақланиб қолса келажакда одамлар тўғри йўлдан адашиб, уларга сизинишлари мумкин эмиш! Бундай ҳолат шариятта ҳилоф эмиш!

Хароми Шарифни, Макка шаҳрини, ва ҳатто умуман Арабистонни тозалаб, у ерлардан бутпарастлик касаллигини йўқотди. Бу муқаддас заминда Исломи пок ва мустаҳкам асосда

ЛОЙ ВА ТОШГА ҚАРШИ ЭЪТИҚОД

Жаҳолат

"Ақл-идрок асри" дея башорат қилинган асримиз бошида кўз кўриб-қулоқ эшитмаган бедодлик юз берди:

Афғонистон Толибон ҳаракати мамлакат ҳудудида XVII-XVIII асрдан (!) бўён сақланиб келмаётган Будда ҳайкаллари йўқотди.

лар тўғрисида, "Улар фақатгина лой ва тошлардир" деб жавоб қайтаришмоқда. Аслида бу гап тўғри-тўғри, зеро киши уларни маъбуд килиб сизинмас, бу тошлар ҳеч қимга маънафат бермайди, зарар ҳам келтирмайди. Шундай экан, лой ва тошга қарши газавот кўтарган эътиқод қандай талқин этилмоғи керак?..

Довуд ХУЗИКЕР,
ACCELS ташкилоти орқали
Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар олиб бораётган
Вашингтон университети аспиранти

Хабар

ВАОЛАТХОНА ОЧИЛДИ

Бундан 75 йил муқаддам иш бошлаган "Бутунитиқоқ жамиятининг халқаро маданий алоқалари" маркази вақт ўзига етишди. Шу аснода мустақилликка эришилган бўлиб, бундан келиб у "Россия халқаро алоқалар асоцияси" деб аталмоқда. Буларни эслаб ўтишдан мақсад Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик бўйича Россия марказининг ваколатхонаси Ўзбекистонда ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Россия федерацияси ҳукумати қошидаги халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик бўйича Россия марказининг ваколатхонаси очилиши муносабати билан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасида бўлиб ўтган брифингда, жумладан, марказнинг Ўзбекистондаги вакили В.Полозов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими Ш.Қудратхўжаевлар маъруза қилишди.

Марказ очилиши 1992 йил 30 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида"ги шартнома, 1993 йил 19 март ҳамда 1998 йил 6 майда қабул қилинган "Маданият, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳақида"ги, "Ахборот - маданий марказлар тузиши ва уларнинг ишлаш шариоити ҳақида"ги келишувларнинг ҳаётида ўз аксини топаётганига яққол мисолдир.

Шунингдек, брифинг иштирокчилари "Қадимий дўстлик аёнчалари" номли ҳужжатли фильмини ҳам томоша қилдилар.

Дилбар АРАЛОВА



САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Наврўз айёми муносабати билан бутун ўзбек халқини шахсан ўзим, элчигона ходимлари ва Покистон халқи номидан қутлайман.

Биз ўзбек халқига тинчлик, омонлик, эзгу ишларида улкан зафарлар тилаймиз ва уларнинг ҳаётида Наврўздеқ фазли айёмлар кўпроқ бўлишини истаб қоламиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

ФАЗАЛ ГАФУР,
Покистон Ислон Республикасининг
Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор
элчиси

Сафар

Камина эроншунос ва адабиёт муҳлиси сифатида имкон қадар Эронда китоб нашр этиш ва замонавий адабиётнинг аҳолини қузатиб бораган. Ислон Республикаси сифатида бу мамлакатда диний адабиётлар, айниқса, ислон динининг шиа мазабига оид китоблар кўпроқ нашр этилиши табиий ҳолдир. Ҳазрат Али ва унинг авлодлари бўлиш имомлар ҳақида илмий китоблардан ташқари тарихий романлар, курашим ("Майн кампф") китобларининг форс тилидаги нашрлари сотувда мавжуддир. Табиийки, шахсонийликни ошқора тарғиб қиладиган нашрлар бу улкан тақдирларга бой бўлса-да, жаҳон адабиёти хазинасига кирадиган "Декамерон" каби асарлар бемалол нашр этилади. Махаллий классиклар ва XIX аср адиблари асарлари нашрдан ташқари жаҳон адабиётига мансуб бўлган

лар орасида Марказий Осиё ўғлиниқига бағишланган китоблар ҳам бор. Невъматулло Шакибнинг Хўжаид шайхони ҳокими Теъмурмалик, Хўсайнқули Мустьяновнинг буюк Жаҳонининг Мангубердиннинг бобоси султон Хоразмшоҳ, Фаромхўсайн Юсуфийнинг саркарда Абумуслим Хуросоний ҳақидаги тарихий романи шулар жумласидан.

Замонавий эрон адабиётида умумжапон микёсида эътироф этилган ёзувчилар араб, турк, голланд, испан тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Лотин Америкаси миллий фонди томонидан болалар адабиётига оид энг сара асарлар учун таъсис этилган халқаро Хосе Марти мукофоти ҳам 1995 йилда илк бор Хўшанг Муродийга насиб этди.

Хозирча Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ойбек каби йirik ўзбек адиблари асарлари тўла ҳолида бу мамлакат китобхоналари қўлига етмаган.

ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК

Китоб дуконлари ярим тунгача ишлайди

Федор Достоевский, Франц Кафка, Марселл Пруст, Габриэль Гарсия Маркес, Жуброн Халил, Нахид Маъфиз каби адибларнинг асарлари форс тилига таржима қилинган.

Форс тилида замонавий компьютер илмига оид хитма-хил адабиётлар нашр этилади. Машхад шаҳридаги ушбу минглаб кўләма ва босма китоб сақланадиган катта китобхона тўла компьютерлаштирилган ҳамда энг замонавий жиҳазлар билан таъминланган.

Мамлакатда катта китоб дуконлари кечкурун соат ўн биргача миқозларга хизмат кўрсатади. Эрталабдан кечгача дуконлардан харидорлар қадами узилибди. Тарихий мавзуда қалам тебратмаган адиблар асар-хам бор. Улардан бири болалар ва ўсмирлар ёзувчиси Хўшанг Муродий Қирмонийдир. Адибнинг асарлари, айниқса, "Маждиднинг саргузаштлари" номли беш китобдан иборат китоб ва ҳикоялар тўплами жуда машҳур бўлиб, қатор мукофотларга сазовор бўлган ҳамда телевизион ва кинода сахналаштирилган. "Маждиднинг саргузаштлари" камбағал оилада ўсган зийрак ва қувнок боланинг бошидан кечирганларини акс эттириб, болалар-бол тарзда содда ва ифодали тилда битилган ҳамда энгил ҳава ва кино билан йўғрилган.

1992 йилда Хўшанг Муродий халқаро Андерсен номидаги нуфузли мукофотга сазовор бўлди. Ёзувчининг асарлари инглиз, немис, Ваҳоланки, бу улғу адиблар ижодидан хабардор бўлмасдан, ўзбек халқининг миллий кифоаси ва буюк маданияти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш қийин.

Эндиликда Эронда Марказий Осиё мамлакатларидаги маданий ва илмий ҳаёт ҳақида мақола ва тўпламлар нашр этилмоқда. Таниқли ўзбек олими устоз Асомиқдин Уринбоев тарафидан турли кўләма манбалардан тўлаб илмий изохлар билан нашрга тайёрланган ҳазрат Абдураҳмон Жомий мактублари тўплами Эронда чоп этилди.

Ғулном КАРИМ,
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Таҳлил Мустақилликнинг 10 йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ ПЙДЕВОРИ

Яқин тарихга нигоҳ ташпасак, халқимизнинг "Туяга мину узоқни кўзла!" деган ҳикмати мағзини чаққандек бўламиз

ЗИДДИЯТЛАР ИСКАНЖАСИДА

Сиёсий жараёнлар таҳлилида воқеа ва ҳаракатларни келтириб чиқаришнинг асосий бугинги, таъбир жоиз бўлса, турткини топиш катта аҳамиятга эга. Ана шу бугун — туртки топишмас экан, мамлакат ҳақида, умуман сиёсий жараёнлар тўғрисида ёлгон ёки янглиш фикрлар пайдо бўлаверади.

90-йиллар ибтидоида мамлакат раҳбари И.Каримов томонидан қилинган катта сиёсий ҳаракат, дадиллик ва мардлик Ўзбекистоннинг қон тўқмасдан мустақилликка эришилган сабаб бўлди. Бу ўринда биз юқоридики таъкидлаган асосий бугун — туртки Президентлик институтининг таъсис этилишидан бошланади.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг 10 йиллик тарихи шунга кўрсатдики, ушбу институт миллиятини ва давлатимиз тақдирини белгилаб берди. Бугун биз Президентлик институтининг жорий этилишидаги сиёсий вазият, унинг ўтган йиллар давомидида ривожланиш тенденцияси, истиқбол хусусида сўз юрифтамы. Шу билан бир қаторда жаҳондаги Президентлик институтининг таъриби ҳақида ҳам муҳтарам фикрларимиз.

80-йиллар охири, 90-йиллар аввалига келиб марказ, нақадар аянчи бўлмасин, тарқаб кетиш фожияси билан юзма-юз келганини тушуниб етган эди ва уни сақлаб қолиш учун бутун воситаларини ишга сола бошлади. Шу аснода мустақилликка интилиш ва империяни сақлаб қолиш гоялари ўртасида қаттиқ кураш кетди.

бу қучлар ёрдамида вазиятни бостириш ҳамда юқоридики эътироф этиб ўтилганидек, республика раҳбариятини халқ олдидики айбдор қилиб кўрсатишда фойдаланиш эди.

Бундан ташқари, марказ республикада мавжуд миллий ва диний носизликлардан ўз мақсади йўлида фойдаланишга уринди. Жумладан, Қўқон, Ўш, Паркент воқеалари шу сценарий асосида уюштирилди.

Бу жараёнларга мамлакат ичкарисида ҳокимиятга нисбатан норозилик қайфиятида бўлган айрим мансабдорлар, амал учун ҳамма нарсага тайёр турадиган шахслардан фойдаланди.

лига айланди.

Мамлакатимизда давлат мустақиллиги эълон қилинганига қадар Президентлик лавозимининг таъсис этилиши, айтиш мумкинки, давлат бошқарувини шакллантиришнинг дебочаси эди. Президентлик институтининг жорий этилиши миллий суверенитетни эълон қилиш ва мустақамлаш жараёнининг тақдирини ҳуқуқий асосларини шакллантириш имкониятларини, шунингдек, "давлат ислохотчи" тамойилини ҳаракатга келтиришнинг ўзига хос шарт-шароитларини яратди. Чунки мамлакат Президентини давлат бошлиғи сифатида ҳам ташаббускорлик, ҳам мувофиқлаштирувчи ваколатига эга бўлди. Президентлик институти аксарият ҳолларда марказ ва жойларда ижроия ҳокимияти тизимини ҳам белгилаб берди. Ана шу маънода айтиш мумкинки, мамлакатимиз Президентини миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз ва демократик ислохотларнинг ёрқин тимсолига айланди.

Ўзбекистонда Президент лавозими, дарҳақиқат, 1990 йил 24 мартда "Ўзбекистон ССР Президентини лавозимини жорий этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонун)га ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши билан амалиётга таъбиқ этилган эди. Бундан бир оз олдинроқ сайланган СССР Президенти Ўзбекистоннинг бу қарорини ягона иттифоқ бир бўлувчилиги дарз етказди, деб ҳисоблангани бежиз эмас. Унинг ҳаволида, дарҳақиқат, жон бор эди. Президентлик тизимини жорий этилишидан асосий мақсад, қарорда очик-ойдин белгилангандек, демократик жараёнларни янада ривожлантириш, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, конституцион тузумни мустақамлаш, шахс эркинлиги ва ҳаётиятининг таъминлашдан иборат эди. Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг таъбиқ этилиши, шубҳасиз, расман марказга бўйсунувчи республика давлат бошқаруви тизимини қулайтирди. Кенг ваколат ва масъулиятга эга бўлган қучли сиёсий раҳбарнинг пайдо бўлиши тоталитар тузумнинг кейинги тақдирига таъсир этмай қолмасди. Буни Москва ҳам жуда яхши англади. Шу боис, Москва республикадаги вазиятни ўз назоратига қайтариш учун барча усуллари қўллаб кўрди. Л.Левитин Дональд С.Карлайл билан ҳамкорлик қилди. Президентини "Ислон Каримов — янги Ўзбекистон Президенти" китобида бу ҳақда: "Москванинг реакцияси жуда салбий бўлиб, Горбачев ниҳоятда дарғазаб эди" деб ёзганди.

"Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини жорий этиш ва Конституция (Асосий қонун)га ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, республика нафақат давлат раҳбари, балки ҳуқуқий ваколатлари қулайган, парламент йўли билан мустақил тараққий йўлига олиб чиқишга қодир бўлган ташқари, собик иттифоқ ҳудудида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик институти жорий қилиниди, совет республикаси давлат бошқарувида ҳокимиятнинг сиёсий раҳнамолигини амалга оширувчи бутунлай янги ҳокимият Конституцияси янги, "Ўзбекистон ССР Президенти" деб номланган XII боб билан тўлдирилди. Конституциянинг 118-моддасида Ўзбекистон ССР Президентини республика ҳудудида унинг конституцияси ва қонунлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қафоллат экани, Ўзбекистон ҳудудий бир бўлувчилиги ва ҳаётиятининг, суверенитетини ҳимоя қилиш, миллий давлат қурилиши масалаларини амалга ошириш учун қоралар қўриш ва яна бошқа ваколатлар белгилаб қўйилди. Энг муҳими, мамлакатда йўл бераётган воқеалар учун барча масъулиятни ўз бўйига олишга қодир бўлган сиёсий раҳнамо пайдо бўлди. Парламент томонидан сайланган Президент ўзидики салоҳият, қуч-қудрат, ақл-заковат билан мустақил давлатнинг оёққа туртиш жараёнида юзага келадиган барча муаммо ва талабларга тўла жавоб бера олди. Президент Ислон Каримов ўзининг фаолияти давомидики ҳамма мамлакатда бозор ислохотлари ва демократик ўзгаришлар ташаббускорлиги, таъкидлоти ва ижтимоий адолат тарафдори сифатида майдонга чиқди.

Иқтисодиётда танглик келтириб чиқаришга уринган марказ шотирлар давлат микёсида ёлгондакам етишмовчиликлар, "иш ташлаш"лар келтириб чиқара бошладилар. Натижада республикада ўта зиДДИЯТЛИ вазият вужудга келди. Бир томондан, мустақилликка эришилш учун тарихий вазият шаклланиб бўлса, иккинчи томондан, агар имкон берилса, фуқаролар уруши ҳавфини тугдирди. Бу ҳавф амалга ошадиган бўлса, натижада республика яна империя таъсирида узок қолиб кетиши мумкин эди.

Шундай мураккаб шариоитда ўзида барча инсоний фазилат ва сиёсий хусусиятларни муҷассам этган лидер сифатида Ислон Каримов ўта масъулиятни вазифани ўз зиммасига олди.

Президент И.Каримов вужудга келган сиёсий вазиятни тўғри баҳолаб, зарур ҳулосалар чиқариб, ўта носизлик билан вазиятни бошқара нисбатан ишончини бир неча баробар ошириб юборди ва мустақилликка эришилш учун ана шундай қатъиятчи лидер кераклиги ҳамда унинг атирофида бирлашилш зарурлиги ҳақида фикрлашга олиб кела бошлади. Халқ ўз лидери пайдо бўлаётганини сеза бошлади. Бу фавқуллода ноёб ҳодиса эди.

80-йилларда жаҳонда ва СССРда кенгган воқеалар Ўзбекистонга мустақиллик томон бир қадам олдинга юриш имконини берди. Мустақиллик сари бўлган ҳаракат авваламбор, маданий-маърифий соҳада кўрина бошлади. Тарихий, миллий ўзликни англаш эҳтиёжи ортандан орта бошлади.

Ижтимоий ҳаётда хитма-хил фикрлар билдирлиш, муаммоларни ошқора мукоама қилиш кучайди. Бу жараён бошқариш тизимига миллият тақдирини ўйлайдиган, унинг мустақиллиги учун курашадиган сиёсий йўлбошчиларнинг етиши чикишга замин тайёрлади. Марказ томонидан давлатни бошқаришдаги ўқувчиллик, иккинчи томондан, республикадаги иқтимоий-сиёсий вазият ана шу ҳақиқатни таъкизо этарди. Марказ бошқаруви суайтириган бўлса-да, унинг асл мақсади вазиятни қайта қўлга олиш, бутун мамлакатда ижтимоий-сиёсий тарангликни келтириб чиқариш ва бунга республикаларни айбдор қилиб кўрсатиш, улларда тартиб ўрнатиш баҳонасида империяни шаклан ўзгартириб мазмунан сақлаб қолиш эди.

Бунинг учун турли сиёсий найранглар ўйлаб топилди. Авваламбор, марказда ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун сиёсий бюро аъзолари ўртасида кураш кетди. Сиёсий найрангбозликлар авж олди. Бу йўнига республикаларни ҳам тарта бошладилар. Масалан, Е.Лигачев ўз мавқени сақлаб қолиш учун "пахта иши"ни ўйлаб топди ва кейинроқ Ўзбекистонга гўёки малакали кадрлар бериш мақсадида ўзига қарашли бўлган "янги" кадрларини юборди. Тахлиллар шунини кўрсатдики, бу кадрлар тўдаси олдида Ўзбекистонда ўсиб келаятган янги миллий онгни суайтириш, миллиятнинг илғор кадрларини халқ олдидики обрўси-ланштириш ва йўқотиш, шу орқали Ўзбекистондаги жараёнларни империя манфаатига янада кўпроқ боғлаш масаласи асосий вазифа этиб қўйилган эди. Бу масала ташқаридан қараганда фақат Лигачев ўйини бўлиб кўринса-да, аслида узоқни кўзлаб, аниқ стратегия асосида амалга оширилган сиёсий найранг эди. Чунки Ўзбекистон мустақилликка эришилш учун шариоит етарлиги қўзга ташланиб қолганди.

Бундан ташқари марказ республикада турли сиёсий уюшмалар, ҳаракатлар пайдо бўлиши ва уларнинг намойишлар ўтказиши, тартибсизликлар содир этилиши зимдан қўлловчи сиёсат юргиза бошлади. Мазкур ҳаракатлар ўз олдидики мустақиллик учун кураш вазифасини қўйган бўлсалар-да, уларнинг деярли ҳаммаси марказ таъсири остида фаолият кўрсатаётганди. Мақсад


Марказ билан алокани зуамасликка яна бир сабаб, Ўзбекистон иқтисодиёти бутунча бошқа республикалар билан боғлиқ эди. Миллий иқтисодни вужудга келтириш учун вақт керак эди. Қолаверса, ҳали коммунистик мафқуранинг таъсири жуда катта эди. Уни халқ онидан чиқариб ташлаш, янги сиёсий шакланштириш ҳам маълум муддатни такозо қиларди. марказ ҳар бир қудай вазиятдан фойдаланиши мумкин эди. Бу мураккаб вазият ўта эҳтиёткорлик билан қадам қўйишга талаб қиларди.

Воқеаларнинг кейинги ривожини шунини кўрсатдики, марказ жиловни ўзида сақлаб қолиш учун барча воситаларини ишга сола бошлади. Республикларда намойишлар куч ёрдамида бостирилди. Марказ ва республикалар ўртасида муносабатлар янада кескинлашди кетди. Сиёсий, иқтисодий ва ҳўжалик соҳаларини бошқариш тизимини қўлдан чиқди. Бундай шариоитда марказ халқ ҳўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш ва республикалар ўртасида янги иттифоқ шартномасини имзолаш баҳонасида империяни сақлашга ҳаракат қила бошлади. Вазият шу даражада бориб етдики, агар қатъият билан мустақиллик учун ҳаракат қилинса, албатта, унга эришилш мумкин, йўқса яна аросатда қолиб кетиш ҳеч гап эмасди.

Бу ҳолдан Ўзбекистон Президенти халқ ва миллат манфаати учун зарур стратегик ҳулоса чиқарди. Унинг асосий мақсади мустақилликка қон тўқмасдан, вазиятдан тўғри фойдаланиб эришилш эди. Бунинг учун мустақил бошқарувини қўлга киритиш, ташаббусни қўлга олиш керак эди.

Шундай вазиятда И.Каримов Президентлик институтини ҳаётга таъбиқ қилди. Бу институт Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва бундан кейинги тараққийининг асосий тамойи-

Сафиддин ЖўРАЕВ
(Давоми бор)



Mustaqil gazeta HURRIYAT	
Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократийлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси	
Баш муҳаррир	Хурмид ДҮСТМУҲАММАД
Тахрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ноим КАРИМОВ, Абдуқоҳир ОИРОХИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (баш муҳаррир ўринбосари), Амиркул КАРИМОВ, Абдуқоюм ИҮЛДОШЕВ	
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.	
Тахририят манзили: Тوشкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63	
Индекс: Якка обуначилар учун — 233 Ташкент учун — 234	
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	
Навбатчи муҳаррир: Файрат МИХЛИБОЕВ	Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 18.00 Буюртма — 1
Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Тахририятта юборилган мактуб ва мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.	
Hurriyat komputer markazida terixki va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh. SAYDALIYEV	

Хажвия

БЕЛТИ ПАНД БЕРДИ

Касалхонага келган бемор аёл ётган хонага даволовчи дўхтир кирди.
— Ассалому алайкум, дўхтир, — дея ўрнидан турди аёл.
— Ва алайкум ассалом, — деди дўхтир касаллик варақасини кўздан кечираркан. — Хўш, нима бўлди?
— Шу десангиз, қоним камайган шекилли, қувватим ҳам йўқроқ, — дея зорланди аёл.
— Анемия экан-да, а? Бизга келибсиз, яхши қилиб-сиз. Бизда даволанган беморлар бошқа касал бўлишмайди, фақат айтган дориларни тополсангиз бас.
— Ғамимни ёб келганман, дўхтиржон, — деб аёл дориларини кўрсатди.
— Вой-буй, буни қаердан

олдингиз, опажон?
— Узимизнинг қишлоқдаги таниш аптекачидан.
— Сизни лақиллатиб пулингизни шилиб қолишибди-да.
— Нега унақа дейсиз, алдамаган. Ахир аптекачи қариндошим бўлади-я.
— Пул турганда уруғмисан-аймоқмисан деб ўтиришармиди?
— Ундан ташқари, сифатсиз дорилар ҳам кўпайиб кетди. Дорингизни ҳамширага тошириб мен берган қоғозча билан борсангиз касалхона дорихонасидан энг яхши дорини сотиб оласиз, — соатига қарайди у. — Ҳозир улар турлиқда. Тушдан кейин сиз дорини олиб келасиз, биз муолажани бошлаймиз.
Келишдикми, опажон?

Бемор дўхтир айтганидек янги дори сотиб олди-да, ўз хонасига кирди.
Хамхонаси уни кўриб:
— Вой, олиб келдингизми, қанақа дори экан? — деди.
— Узим олиб келган доридан бир оз ҳам фарқи йўқ.
— Манави белгиси нима экан-а? Менимча, дўхтир бориб белгилаб келган. Яхши бўлиб экан, бемора, яна адашмасин дегандир-да?
— Қани, — дея бемор дорини кўлига олди-ю, хайратдан қотиб қолди. Ахир, ахир бу белгини ўзим кўйган эдим-ку. Адашиб кетмасин деб исимининг бош харфини кўвдим. Демак, хаммасининг тили бир экан-да, а?!
— Йўғ-э, яна бир кўрай-чи. Шу пайт хонага дўхтир ва

хамшира кириб келишди.
— Қани, опажон, дорини олган бўлсангиз беринг-чи.
— Айланай, дўхтиржон, дори ўзимники-ку.
— Қанақасига? — сергак торти дўхтир хавтирланиб кўз қирини хамширага ташларкан.
— Мен ҳам бошда сезмадим. Кейин қарасам, ўзим кўйган белги. Бир дорини ўн мингга сотиб олибман-да, а?
— Белги дейсизми?!
Хамшира... Улдингиз-ку одамни...
— Бунга хамшираям, сиз ҳам айбдор эмасиз, дўхтиржон. Хаммасига мана шу белги айбдор! Ана шу қурма-гур панд берди, — деди бемор ҳам қулиб, ҳам ачиниш билан.
Ўткир ЖўРА

G'uncha

О'XSHAGIM KELAR

*Qalam ushlashni o'rgatgan,
Harflarni tanitgan,
O'qishni ham o'rgatgan,
Ustozimga o'xshagim kelar.*

*Kech qolganda xavotir olgan,
Kasal bo'lsam parvona bo'lgan,
Bolam deya erkalatgan,
Onajonimga o'xshagim kelar.*

*Ma'rifatni kuylagan,
Xalq dardini so'ylagan,
Xalqni joni dildan sevgan,
Mohlaroyga o'xshagim kelar.*

*"Hayot varaqlarin" to'plamin yozgan,
Tong kuychisi nomini olgan,
She'rlari keng olam uzra yangragan,
Zulfiyaxonimga o'xshagim kelar.*

*Marg'ilonning Ofiob oyim qizlari,
Qotabekni lol qoldirgan,
Qodiriyini tanitgan,
Kumushbibiga o'xshagim kelar.*

Zamira BAHROM qizi,
272-maktabning 3-sinf o'quvchisi

Воқеа

ЎХШАШЛИК

Кўп йиллар муқаддам...

Мажлисда яқиндагина бошлиқ этиб тайинланган, ҳатто бакеббардини олдириб ташлашга ҳам фаросати етмаган қирқ ёшлардаги "хўжайин" оташин маъруза қилди.
У дафъатан ўз касбига фидойи, ниҳоятда обрўли нафақа ёшидаги бир жамоа раҳбарини танқид қамчиси билан савалай кетди. Бу тасодифдан ҳамма ёқа ушлар, танқид ноҳақ эканлигига хаммининг ақли етарди.
Мажлис туғач, телестудия ҳовлисида мен учрашмоқчи бўлган "Ешлик" редакциясининг вакиллари — Элбек Мусаев, Сиддиқўжа Шошийни кўриб қувониб кетдим. Улар билан ўрта бўйли нуроний отахон ҳам ўзаро суҳбатлашиб турар эдилар.
Улар билан саломлашгач, Элбек ака отахон билан таниш-тирдилар. Бу киши адиб Алп Жамол эдилар. Даврага қўшилдим. Чамаси, суҳбат риштасини узиб қўйган эканман шекилли, Сиддиқўжа ака: — "Жамолдиндин ака, хўш кейин нима бўлди?" — дея суҳбатни давом эттиришга ишора қилдилар. Жамолдиндин ака бир хикоятни сўзлай кетдилар.
— Қунлардан бир кун ёш, истеъдодли икки шоир Эски шаҳарда истиқомат қилувчи дўстларининг тўйига кетишарканда тор кўчанинг икки томонида гўё хайкалдек қотиб турган икки ит ўртасидан ўтишларига тўғри келибди. Шунда чап томондаги ит тишини кўрсатиб, ириллабди. Дўстлар узоклашгач, иккинчи ит шеригига:
— Нега ирилладинг, ахир булар бутун шаҳар аҳлига таниш ижодкорлар эканлигини яхши биласан-ку, — деб танбех берибди. Шунда халиги ит:
— Бир итligимни кўрсатиб қўйгим келди-да, — дея яна ириллабди.
Жамолдиндин ака ҳикматли хикояни айтаяпти-ю, хаёлимдан беихтиёр эрталабки мажлис воқеаси ўтаверди...
Шукур ДАДАШ

КП "Мархабонон" объявляет о проведении общего собрания трудового коллектива 22 марта 2001 г. в 17.00 в здании КП "Мархабонон" явка всех членов коллектива обязательна

Илҳом

АЗИЗИМ... ШУ СЎЗДАН КЕЙИН...

БАҲОР

*Осмон яйловиди оппоқ будуллар,
Бўғизга қадалгач қуёш тиллари,
Уфқ тарс ёриди қизғин сукутдан
Ерга тўқилди шафақ чўғлари —
Мен сени олмасор ичидан кутдим...*

*Замин яшил дафтар — тирик саҳифа.
Ҳар гийёҳ — илбизи юракдаги сўз!
Баҳорга айланмоқ менинг вазифам,
Урикжон, кунгили ўғирлаган қиз,
Майлими, гулигга лабимни тутдим?*

*Бир ажиб атирга айланди саер —
Майсалар дунёга қилади ҳамла.
Хўшдан айрилди қайси мусаввир —
Кўксини ланг очиб гуллади олма,
Бемор ҳам қулиб, ҳам ачиниш билан.*

*Чимилдиққа қирган қиздай қимтинди,
Илк бор пушти камзул кийди шафтоли.
Бошим гир айланди, нигоҳим тинди.
Чарх урар қалдирғоч — баҳор тумори,
Чиндан шоир бўлдим — ўзни унутдим.*

*Жоним, баҳорим, кел! Нурга тўламан,
Юрак ёрилмаса — ўлмай қоламан.
Кўшининг қўлига битта шёр тутиб,
Уқи, ўқи, дейман олов бўламан.
Бир ўзим шафақни, оловни ютдим.
Кўчкор НОРҚОБИЛ*



ЎЗИМГА

Осмонга талпиниб яшадим
кўнглим,
Сигмади заминга...
Уч, десам ёнимда
титрайди қўлим,
Мудом оёқларим тортади ерга.

Ололмай турибман ўзимни қўлга,
Тополмай турибман
хеч жойда кўним.
Боришга манзил йўқ —
чиқаман йўлга —
Чайқалар Осмонни кўтарган қўлим.
Зулумот қаррига тортади, гўё,
Коронгу кечалар бошлайди ғамга.
Мурувват кўрсатиб юборгин,
Дунё —
Ўзининг қўлидан чиққан одамга.

Тун қадалиб қолди кўзимга,
Симиллайди кўзим зардоб.
Дунё қонга тўлди-ку зумда —
Кўкнинг ерга сигмас азоби.
Мен қайдаман?!

Қайдасан, оҳанг?!
Томиримда уюшар титроқ,
Нима учун?
Нима сабабдан —
Менга бунча яқинсан, тупроқ?!
Вужудига оловни қалаб,
Кўзларимни куйдирганда шёр.
Юрагимга кўксини қадаб —
Аелдарилиб ётар қаро ер.

Шавкат РАҲМОНГА
Ўз-ўзиндан қоча бошлайсан,
Тушунганинг сайин риёни.
Шундай одам ўлиб кетса ҳам —
Парвосига келмас Дунёнинг.
Мен Тоғларнинг олдида кимман?!
Мен кимман шу ҳазин боғнинг?
Шундай одам ўлиб кетса ҳам,
Парвосига келмади тоғнинг.
Нега кулаб тушмади осмон?!
Замин ўлса қуёшдан жудо.
Шундай гўзал шоирни, чиндан
Яхши кўриб қолдингми, Худо?!

ТҮРТЛИК
Бир ёниқ сўз билан
келдингиз кириб,

"Кетамиз, бу ердан, жоним,
тез кийин".
Азизим, шу бугун дунёга келиб,
Ўлиш ҳам мумкин-ку
шу сўздан кейин.

Кетайлик...
Кетишга йўллар етарли,
Сиз билан кетишнинг
ўзи бир байрам.
Ишонинг — олдинда
ҳали айтарли —
Қанча байрамлар бор
нишонланмаган.

Кетайлик...
Ғамларнинг очилсин кўзи,
Йўғимиз билинсин ҳар бир лаҳзада.
Шамоллар эргашсин қорайиб юзи,
Кетайлик, бариси қолсин орқада.
Ахир, жами иқбол қўлларимизда,
Ёруғ дунёси бор — бизга ишонган.
Азизим, кетайлик!
Йўлларимизда —
Қанча байрамлар бор —
нишонланмаган.

Хосият РУСТАМОВА

Муҳтарам юртдошлар!
Барчангизга бугун кириб келган
Янги йил, Янги кун — Наврўзи
олам муборак бўлсин!
Баҳор айёми Сиз азизларга
эзгулик ва қут-барақа олиб
келсин. Илоҳим, юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо, турмушимиз
фаровон бўлсин!
Сирдарё вилоятидаги
"Шўрўзак" ширкат хўжалиги
жамоаси